

**Жорий йилнинг 25 март куни Халқ
депутатлари туман кенгашининг
навбатдаги сессиясида Наманган
туман ҳокими С.З.Мўминовнинг**

Ҳ И С О Б О Т И

Ассалому алайкум ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ҳурматли депутатлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоят Сайхунобод туманига ташрифларида ҳонадонларни даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва камбағаликдан ҳоли ҳудудга айлантириш юзасидан кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда берилган топшириқларни ижросини туманда таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Биринчи. Бугунги кунда Наманган туманидаги **53 та** маҳалла **5 703 нафар** ишсиз фуқаролар (*шу жумладан, 3 412 нафар хотин-қизлар ва 350 нафар ёшлар*) ҳамда меҳнатга лаёқатли **607 нафар** ногиронлар мавжуд.

Шунингдек, жорий йилда **36 та** умумтаълим мактабини **1 601 нафар** уқувчилар (*шундан, 642 нафар ўғил болалар ва 959 нафар қизлар*) битириши ва меҳнат бозорига кириб келиши кутилмоқда, ҳарбий хизматдан қайтадиганлар эса **139 нафарни** ва миграцияда қайтиб келганлар **2 330 нафарни** ташкил этмоқда.

Туман ҳокимлиги, секторлар томонидан мутасадди ташкилотлар билан биргаликда жами **24 452 нафар** янги иш ўринлари яратиш бўйича секторлар кесимида алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан **8622 нафар** доимий ишлар, **9638 нафар** мавсумий ишлар, **6192 нафар** вақтинчалик ишларда банд қилиш белгиланган.

Яратиладиган иш ўринлари асосан инвестиция лойиҳаларда **1572 нафар**, хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали **10507 нафар**, қишлоқ хўжалигида **10297 нафар**, қурилиш ишларида **2076 нафар** доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, фуқаролар бандлиги таъминланади.

Иккинчи. Сайхунободда ўтказилган йиғилишдан келиб чиқиб, тумандаги **53 та** маҳаллаларга тижорат банклари раҳбар ва ҳодимлари бириктирилиб, ҳар бир ҳонадонни томорқа майдони ва уй хўжалигидан фойдаланиш даражаси, уларнинг даромад манбалари ва имкониятлари ўрганилди.

Ўрганиш натижаларига кўра тумандаги маҳаллаларда кўплаб фойдаланилмай келинаётган имкониятлар аниқланди. Мисол учун **1-сектор** ҳудудидаги **“Анжирзор”** маҳалласида анжир маҳсулоти етиштириб келинган бироқ ушбу маҳсулот йил давомида икки маротаба ҳосил бериши иккинчи ҳосили бозори мавжуд эмаслиги сабабли қолиб кетиши ўрганишди ва ушбу

худудга тадбиркор томонидан куриштиш цехи ташкил этиш ва аҳоли томонидан етиштирилган анжир маҳсулотларини куриштиб экспортга йўналтириш, **“Шўрқишлоқ”** маҳалласида “Шифобахш бедана тухумлари” МЧЖ томонидан **100 минг** бош бедана парвариш қилаётганлиги шу соҳани ҳонадонларга кенгайтириш орқали ҳар бир ҳонадон йиллик **60-80 млн** сўмдан даромад олиши, 2-сектор худудидаги “Наврўз” маҳалласида гулчилик кооперациясини ташкил этиш орқали **100 лаб** ҳонадонларни қамраб олиши, бу соҳада ҳар бир ҳонадон **45-50 млн** сўмдан даромад топиш каби кўплаб имкониятлари яратилди.

Ихтисослашувни кенгайтириш кўплаб йўналишларни ҳар бир ҳонадонларга жорий этиш тизими йўлга қўйилиб, туманимизнинг Гулдинов, Чағир, Шўрқишлоқ, Олахамак, Наврўз, Қўшчинор, Миришкор ва ҳар бир маҳаллалардаги ҳонадонларга Асалари, парранда, чорвачилик, иссиқхонасилик, боғдорчилик каби йўналишлар бирлаштирилиб аҳоли даромадлари **500-600 минг** сўмдан **1200-1500 минг** сўмга етказиш чоралари кўрилди.

Мисол учун олганда “Наврўз” маҳалласида **558 та** ҳонадонлардан **261 таси** ёки **46.0 фоиз** ҳонадонларда томорқа ва уй хўжалигидан самарали фойдаланиб келган бўлиб, қолган **54.0 фоизи** етарли даражада даромад олмаганлиги, шу боис маҳалладаги даромад бир ойда киши бошига **550-600 минг** сўмни ташкил этган.

Янги тажрибаларни ишга солиш имкониятларни кенгайтириш натижасида **558 та** ҳонадонларга икки ёки уч хил йўналишларда даромад келтирадиган маҳсулотлар билан таъминланиб, уларни етиштириш ва етказишда шароитларни яратиш орқали киши бошига ойлик даромадни **1200-1500 минг** сўмга етказилди.

Бу соҳани доимий тижорат банклари билан биргаликда давом эттириш, 2024 йил якуни билан туманда томорқа ва уй хўжаликларида аҳоли даромадларини **650-800 минг** сўмдан **1500 минг** сўмга етказиш юзасидан барча чоралар кўрилади.

Бунда ҳар бир маҳаллада етакчи тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказиш уларнинг муаммоларини ҳал этиш орқали **10 тадан** ҳонадонларни бириктириб, намунали тайёрлаш ва маҳалладаги ҳар бир ҳонадонларни наъмунали ҳонадонларга бириктириш, йил давомида барча ҳонадонларни даромадини ошириш юзасидан барча чораларни кўриб борилади.

Давлат раҳбари томонидан ушбу ташаббусни қўллаб қувватлаш учун туманимизга 2024 йил учун ҳар бир оила тадбиркор дастурига асосан **22.5 млрд** сўм имтиёзли кредитлар, **2.0 млрд** сўм субсидия маблағлари, бизнесни ривожлантириш банки ҳисобидан **30.0 млрд** сўм, бизнесга биринчи

кадам лойихасидан **5.0 млрд сўм, 432 гектар** қўшимча ер майдонлари ажратилди.

Хурматли депутатлар йиғилиш иштирокчилари!

Давлат раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифларида чет давлатдарда юрган фуқароларни ватанга оила бағрига қайтариш энг асосий вазифамиз эканлиги ватанга қайтган фуқароларимизга томорқа ва уй хўжаликларида туманда яратилаётган барча имкониятларни ишга солган ҳолда кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш энг асосий вазифамиз этиб белгиланди.

Миграцияда юрган фуқароларни хориждаги меҳнат муносабатлари, яшаш ва ишлаш шароитлари, айниқса, даромади ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди.

Наманган туманидан ишлаш мақсадида жами **5 658 нафар** фуқаролар, шундан **4356 нафари** Россия Федерациясида, **899 нафари** Қозоғистонда ва **403 нафари** бошқа давлатларда юрганлиги аниқланди.

Уларнинг **5310 нафари** эркак, **91 нафари** аёллар бўлиб, ҳар учинчиси - ёшлар (**1668 нафар**), **52 фоизи** ёки **45 ёшга** бўлган, айнан меҳнат ресурси лаёқатига эга фуқароларни ташкил этган

Миграцияда юрган ҳар бир фуқаро билан ички ишлар, маҳалла еттилиги ва бандлик бўлими ходимлари ижтимоий тармоқ ва ЗУМ орқали боғланиб, миграциядаги фуқаронинг ҳақиқий ҳолати баҳоланди.

Миграциядагиларнинг **2360 нафари 500 долларгача 1126 нафари 300 долларгача, 6 нафари атиги 100 доллар** оила аъзоларига пул жўнатаётган бўлса, **30 нафари** эса **3 ойдан** бери умуман пул юбормаётганлиги маълум бўлди.

хорижда юрган фуқаролар даромади кесимида тоифаларга ажратиб, биринчи навбатда даромади **300 доллардан** паст бўлган фуқароларни, қолганларни босқичларда Ватанга қайтариш ва иш билан таъминлаш туман дастури ишлаб чиқилди

Шахсан туман ҳокими сифатида ўзим ва сектор раҳбарлари ҳар бирига мурожаатнома юбориб, унда туманда янги иш ўринлари ва меҳнат шароитлар яратилганлиги, ватанга қайтиши билан ижтимоий қўллаб-қувватланиши ва кафолатли бандлиги таъминланиши алоҳида таъкидланди.

2024 йилда жами **2330 нафар**, хусусан 1-чоракда **209 нафар**, 2-чоракда **753 нафар**, 3-чоракда **612 нафар**, 4-чоракда **756 нафар** фуқаролар қайтарилади

Натижада бир ойда йил бошига нисбатан икки карра кўп, яъни **189 нафар** (йил бошидан **429 нафар**), шундан **145 нафари** Россия ва

26 нафари Қозоғистондан қайтарилди, барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, **8 нафарини** даволаш чоралари кўрилди.

Комплекс ўрганишда, хорижда уларнинг **34 нафари** буюқчилик, **15 нафари** пайвандчилик, **33 таси** ғишт териш, **12 таси** ишлаб чиқаришларда, **3 таси** савдода, **92 таси** мавсумий ишларда банд бўлган.

Уларнинг **86 нафари** томорқада, **68 нафари** тумандаги ишлаб чиқариш корхоналарида, **13 нафари** қурилишда, **12 нафари** савдо ва хизмат кўрсатишда бандлиги таъминланди, **10 нафари** мономарказда касб-хунарга ўқитишга жалб этилди.

15 нафари “Тошбулоқ текс” МЧЖ да тикувчилик йўналишида, **2 нафар** “Намматор сервис” МЧЖ, **4 нафари** “Тошбулоқ инвест групп” МЧЖ (цемент ишлаб чиқариш) корхоналарига жойлаштирилди.

Хурматли депутатлар Сизлардан туманимизда камбағаликни қисқартириш, аҳолини даромад манбаини кўпайтиришда ҳар бир маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб боришда, сизлар билан биргаликда тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларни моддий қўллаб қувватлаб борилишида фидокорона иш олиб бориб, туманни дрейверини яратиб, аҳолини даромадини кўпайтириб олишимизга ишонаман.

Хисоботим тугади эътиборингиз учун раҳмат!